



Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 202 (13.015)

Баҳоси эркин нарҳда

## ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов 2015 йил 7-8 октябрь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Олий даражадаги учрашувлар чоғида Ўзбекистон ва Туркменистоннинг сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт ва коммуникациялар, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилиш, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашиш режалаштирилган.

Ташриф якунлари бўйича икки давлат раҳбарларининг Қўшма баёнотини қабул қилиш, иқтисодиёт, транспорт, божхона, туризм, фан-техника, соғлиқни сақлаш ва спорт соҳаларидаги ўзаро манфаатли алоқаларни изчил ривожлантиришга доир қатор ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланган.

**Жорий йилнинг 7 октябрь кунли Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов таклифига биноан Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов расмий ташриф билан юртимизда бўлади.**

## ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКМАНИСТОН: САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

Халқларимизнинг жугрофий, маданий ва тарихий жиҳатдан муштараклиги икки томонлама ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга замин яратди. Ҳозирги кунга келиб, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, транспорт-коммуникация, гуманитар ва бошқа соҳалардаги 180 га яқин ҳужжатни ўз ичига олган икки давлат ўртасидаги ҳамкорлиқнинг мустақам шартномавий-ҳуқуқий асоси яратилди.

Икки мамлакат раҳбарлари ўртасидаги доимий ва сермахсул мулоқот Ўзбекистон – Туркменистон конструктив муносабатлари ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда. 2014 йил октябрда Ашхободда бўлиб ўтган сўнгги учрашув чоғида глобал ҳамда минтақавий хусусиятга эга бўлган қатор масалаларда мамлакатларимиз нуктаи назарларининг мос келиши ёки ўхшашлиги таъкидланган эди.

Шу ўринда минтақавий хавф-сизлиқни таъминлаш ва мустаҳкамлаш, хусусан, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича икки давлат ўртасида умумий ёндашувнинг мажбуриятини алоҳида қайд этиш жоиз. Ўзбекистон ва Туркменистон бу қўшни мамлакатга муҳим инфратузилма объектларини қайта тиклаш бўйича қатор лойиҳаларни амалга оширишда кўмак бериб келмоқда.

Мамлакатларимиз Марказий Осиёда трансгегаравий сув ресурсларидан оқилана фойдаланиш масаласида ҳам ягона ёндашувга эга. Ўтган йили Ашхободда ўтказилган олий даражадаги музокаралар чоғида сув-энергетика соҳасига доир масалаларни ҳал қилишда, жумладан, трансгегаравий дарёларда йирик гидроэнергетика иншоотларини барпо этишда БМТ конвенцияларида белгилаб берилган халқаро меъёrlарга мувофиқ иш тутиш, бундай объектлар лойиҳаларини мустақил халқаро экспертизадан ўтказиш зарурлиги қайд этилди.

Ўзбекистон ва Туркменистон ўзаро манфаатли иқтисодий алоқаларни изчил мустаҳкамлаб бормоқда. Жорий йилнинг январь-август ойларида икки давлат ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 245 миллион АҚШ долларига етди. Мамлакатимиз экспортининг асосий қисмини минерал ўғитлар, қишлоқ хўжалиги товарлари, қурилиш материаллари, электр ва механика асбоб-ускуналари ҳамда тўқимачилик маҳсулотлари ташкил қилади. Ўз навбатида, Туркменистондан нефть маҳсулотлари


ва пропилен полимерлари импорт қилинади. Бундан ташқари, ҳар икки мамлакат ўзаро транспорт-коммуникация ва бошқа хизматларни кўрсатиб келмоқда.

Икки томонлама алоқаларни ривожлантиришда Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Туркменистон қўшма комиссияси муҳим ўрин тутди. Мазкур тузилма савдо ҳажмини ошириш, сармоявий ҳамкорлиқни кенгайтириш бўйича самарали чора-тадбирлар ҳамда механизмларни ишлаб чиқишга қаратилган. Комиссиянинг 2015 йил 18-19 август кунлари Ашхободда ўтказилган XI ййгилишида икки томонлама товар айирбошлаш ҳажмини ошириш бўйича таклифлар муҳокама қилинди, транспорт ва транзит, илмий-техникавий ҳамда маданий-гуманитар соҳаларда шериклик ва ўзаро ҳамкорлиқни кенгайтириш масалалари қўриб чиқилди.

Транспорт коммуникациялари соҳаси мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда яна бир устувор йўналиш ҳисобланади. Ўзбекистон ва Туркменистоннинг жугрофий жойлашуви, ресурслари ҳамда ишлаб чиқариш салоҳияти мазкур жабҳада улкан имкониятлар эшигини очиб беради. Хусусан, автомобиль ва темир йўл тармоқлари, шубҳасиз, минтақада жойлашган давлатлар ҳамда уларнинг иқтисодий шериклари учун қўлай транзит комплексини ташкил қилади. Шу муносабат билан, 2011 йили имзоланган Ўзбекистон – Туркменистон – Эрон – Умон янги халқаро транспорт-коммуникация йўлагини барпо этиш бўйича битим ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидлаш жоиз. Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан 2010 йил октябр ойида Ашхободда расмий ташриф чоғида илгари сурилган ташаббуснинг амалий ифодаси бўлди.

Ушбу лойиҳанинг ҳаётга татбиқ қилиниши Яқин Шарқдаги бандаргоҳларга энг қисқа йўлдан фойдаланиш, иштирокчи мамлакатлар ўртасида божхона ва юк ташуш соҳасидаги ҳамкорлиқни ярадли ривожлантиришга имконият яратиш борабаради Марказий Осиё минтақасига киритилаётган сармоялар оқимида янги туртки беради ҳамда бошқа мамлакатларнинг мазкур коридордан фойдаланишга нисбатан қизиқишини оширади.

(Давоми 2-бетда)



## САЙЁҲЛИК САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МУҲИМ ОМИЛ

**“Ўзэкспомарказ”да 5 октябрь кунли “Ипак йўлида туризм” XXI Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси очилди.**

“Ўзбектуризм” миллий компанияси ва “Буюк Ипак йўли” реклама агентлиги томонидан БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЮНВТО) кўмагида ташкил этилган ушбу тадбирнинг очилишида мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг сайёҳлик фирма ва компаниялари, меҳмонхоналар вакиллари, соҳа мутахассислари ҳамда дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

“Ўзбектуризм” миллий компанияси раиси Ф.Ризаев, БМТнинг Жаҳон сайёҳлик ташкилоти иккунчи директори Ш.Зомоги ва бошқалар Президент Ислам Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда сайёҳлик соҳаси изчил ривожланиётгани, сайёҳларнинг мазмунли хордиқ чиқариши учун барча шароит яратилганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини

янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори сайёҳлик инфратузилмасини тараққий эттириш, миллий туристик хизматларни халқаро бозорларга тақдир этишда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Мамлакатимиз туризм индустрияси қадимийлик ва замонавийликни ўзида мужассам этган. Ўзбекистон тарихий қадамжолари қўлиги бўйича дунёдаги етакчи ўн мамлакат қаторида туради. Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива ва Шахрисабз шаҳарлари бутун дунёда қадрланади. Юртимизнинг бой маънавий-маданий мероси ва ранг-баранг табиати экотуризм, геотуризм, альпинизм, экстремал, маданий туризм, балик ови, рафтинг каби сайёҳликнинг замонавий турлари учун қўлай имконият яратмоқда.

Сайёҳлик йўналишлари кенгайётгани, транспорт коммуникациялари ва хизмат кўрсатиш яхши-

ланаётгани самарасида юртимизга келаётган сайёҳлар тобора кўпайиб бораётди. 2014 йилда мамлакатимизда сайёҳлик хизматлари ҳажми 2013 йилга нисбатан 116 фоиз, шундай хизматлар экспорт 120 фоизни ташкил этди. Жорий йилнинг январь-июнь ойларида юртимизга келган хорижий сайёҳлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7 фоиз ўсди.

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси халқаро туризм бозорига муносиб ўрин эгаллаган. Ҳаво кемалари парки ва аэропортлар модернизация қилинган, парвозлар географияси кенгайгани юртимизга сайёҳларни жалб этишда муҳим омил бўлмоқда. Пойтахтимиздан Самарқанд ва Қаршига қатновчи юқори тезликда ҳаракатланувчи “Афросиёб” поезди сайёҳларга манзур бўлмоқда.

Бугун Ўзбекистонда 1279 сайёҳлик ташкилоти, жумладан, 548 меҳмонхона, сайёҳлик базалари ва кемпинглар, 731 сайёҳлик компанияси фаолият кўрсатмоқда.

(Давоми 2-бетда)

**Корея Республикаси пойтахти Сеул шаҳрида “Корея Республикаси – Марказий Осиё” ҳамкорлик форумининг тўққизинчи мажлиси бўлиб ўтди. Бу галги анжуман “Корея Республикаси билан Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш” мавзусига бағишланди. Унда Жанубий Корея, Ўзбекистон, Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон вакиллари иштирок этди.**

## ДЎСТЛИККА АСОСЛАНГАН ИЗЧИЛ АЛОҚАЛАР

СЕУЛ, 5 октябрь. ЎЗА махсус муҳбири  
Ирода УМАРОВА хабар қилади.

Форумда Корея Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Чо Тхэ Ёнг, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Ғайрат Ғозилов ва бошқалар Жанубий Корея билан Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик кенг қўламли ва мустаҳкам эканини таъкидлади. Бунда “Корея Республикаси – Марказий Осиё” ҳамкорлик форуми алоҳида аҳамият касб этаётгани қайд этилди.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея муносабатлари ўзаро ишонч ва ҳурмат, яқин дўстлик ва стратегик шерикликка асосланган. Икки давлат ўртасидаги алоқалар 2006 йилда имзоланган Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация, 2014 йилда қабул қилинган Стратегик шерикликни янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги қўшма декларация асосида тараққий этмоқда.

Мамлакатларимиз Президентлари ўртасидаги мунтазам мулоқотлар ва халқларимизнинг муштарак иштироклари самарасида бу муносабатлар барча соҳада изчил ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг шу йил 27-29 май кунлари Корея Республикасига давлат ташрифи икки томонлама муносабатларни янги босқичга

кўтарди. Ташриф доирасида имзоланган савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техникавий ҳамкорликка оид қатор ҳужжатлар халқларимиз манфаатларига хизмат қилаётди.

Мамлакатларимиз ҳамкорлик қўлами савдо, сармоя, экспорт-импорт, ёқилғи-энергетика, кимё, транспорт ва логистика, автомобилсозлик, тоғ-кон саноати, енгил саноат, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, тиббиёт, туризм, фан-таълим ва маданият каби қўллаб соҳаларни қамраб олган. Савдо соҳасида энг кўп қўлайлик яратиш тартиби жорий қилинган.

Ўзбекистонда Жанубий Кореялик сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил этилган тўрт юздан зиёд корхона фаолият кўрсатмоқда. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми мунтазам ўсиб бормоқда. Устурут газ-кимё мажмуаси, Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси, “Навоий” интермодал логистика марказида истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Маданий-гуманитар алоқалар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлиқни янада мустаҳкамламоқда. Фан, таълим, санъат, спорт, туризм каби йўналишлардаги ҳамкорлик ҳам тобора ривожланимоқда.

(Давоми 3-бетда)



## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Андижон вилоятида бандлик дастури доирасида жорий йилнинг ўтган даврида 44 минг 664 янги иш ўрни яратилди.

● Гулистон шаҳридаги “Бетон саноат” масъулияти чекланган жамиятида йўл қурилиши, ирригация ва мелиорация тармоқлари учун мўлжалланган уч турдаги бетон конструкциялари, шунингдек, кўприк ости ўтказгичлари ишлаб чиқариш лойиҳаси ўзлаштирилди.

● Тошкентда янги майший техника ва электроника савдо маркази “Mediapark Rohat”нинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Янги “Mediapark Rohat” савдо маркази халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, дунё электроника ва техника бозорининг етакчи вакиллари Samsung, LG, Tefal, Zanussi, Bosch, Indesit, Panasonic, Phillips, Artel ва бошқа бир қатор компания маҳсулотларини сотиш билан шуғулланади.

● Сайхунобод тумани Ёшлик кўргонидаги “Бек” кўп тармокли ишлаб чиқариш бирлашмаси негизда бир ойда 10 тонна қовурилган пистони саралаб, қадоклайдиган корхона фойдаланишга топширилди. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхонада айни вақтда 50 нафар сайхунободлик ёшлар меҳнат қилмоқда. Энг асосийси, қадокланган пистоннинг катта қисми экспорт қилинмоқда.

● Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусикали театрида Кексаларни эъзозлаш йилига бағишланган янги спектакль тақдимоти бўлиб ўтди. Драматург Нурулло Аббосхон қаламига мансуб “Танҳо юлдуз” пьесасини Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Валижон Умаров сахнага қўйди.



● Кеча Швециянинг Стокгольм шаҳрида Нобель мукофоти ҳафталиги бошланди. Ушбу нуфузли мукофотга безгак ҳамда зарарли чувалчанларга қарши курашда юқори натижаларга эришгани учун америкалик паразитолог Уильям Кемпбелл ва япон микробиолог С.Омура, шунингдек, хитойлик шифокор, халқ табobati бўйича мутахассис Ю.Тулар лойиқ деб топилди.

● АҚШнинг American Airlines авиакомпаниясининг учувчиси Финикс шаҳридан Бостон шаҳрига маҳаллий рейсни амалга ошираётган пайтда тўсатдан ўзини ёмон ҳис қилиб, ҳаётдан қўз юмди. Ушбу фожеа натижасида иккинчи учувчи самолётни Сиракуза шаҳрига қўндиришга мажбур бўлди.

● Кеча Франция жанубида кучли бўрон туриб сел қуйиши натижасида Манделье, Антиб, Канн ва Ницца шаҳарларига катта зарар етиб, сув тошқинлари давомида 16 киши ҳалок бўлди ва учта одам бедарак йўқолди.

## ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКМАНИСТОН: САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Жорий йилнинг февралда ойда юқорида таъкидланган битим доирасида Мувофиқлаштирувчи кенгашининг биринчи йиғилиши ўтказилди. Унинг якунига кўра, лойиҳани энг қисқа муддатларда амалга ошириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар қабул қилишни кўзда тутувчи протокол имзоланди.

Ўзбекистон ва Туркменистоннинг тарихий ҳамда маданий муштараклиги халқларимиз ўртасидаги ўзаро алоқалар ва ҳурматни мустаҳкамлаш учун кенг замин яратди. Алоқаларни янада ривожлантириш мақсадида икки мамлакат маданият вазирилари томонидан таниқли мусаввирлар асарлари кўргазмалари, ҳунармандчилик буюмлари ярмаркалари, мусика ҳамда театр ҳунарадорларининг иходий сафарлари ташкил этилмоқда.

Туркменистон Президенти Гурбангули Берди-мухамедовнинг 2013 йил ноябрда ўзбекистонга қилган расмий ташрифи чоғида икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида 2014-2016 йилларга мўлжалланган маданий-гуманитар соҳада Ҳамкорлик дастури имзоланиб, у давлатларимизро мазкур йўналишдаги алоқаларнинг жадаллашувиға замин яратмоқда.

Жорий йил ёзида Тўртқўл, Қарши, Термиз, Бухоро, Тошкент шаҳарлари ва Тошкент вилоятида Республика туркман маданият маркази ҳамда "Ўзбекистон — Туркменистон" дўстлик жамияти томонидан икки мамлакат ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатларига ижобий таъсир кўрсатадиган турли тадбирлар ўтказилди.

Халқларимизнинг тарихан шакланган яқин дўстлик ришталари ва муштарак маданий илдизлари Ўзбекистон — Туркменистон ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг мустаҳкамланиши ҳамда сермахсул ҳамкорликнинг ривожланишиға хизмат қилади. Давлатларимиз раҳбарларининг бўлажақ учрашуви эса икки томонлама алоқаларнинг янада кенгайишиға муносиб ҳисса қўлиши, шубҳасиз.

"Жаҳон" АА

**Мустақиллик йилларида мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, ёш авлод онига соғлом турмуш тарзини синдириш, уларда соғлом турмуш маданиятини шакллантириш, миллий қадриятларимиз ҳисобланган миллий ўйинларни қайта кашф этиш ва уни жаҳон майдонларига олиб чиқиш, шунингдек, соҳани ривожлантириш орқали мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеини янада ошириш каби масалалар давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири этиб белгилаб олинди.**

Шу ўринда, Республикада жисмоний тарбия ва спорт соҳасини тартибга солишға хизмат қиладиган ҳуқуқий асос яратилгани ва тақомиллаштириб борилаётганини қайд этиб ўтишмиш лозим. Жумладан, бугунги кунгача республикада жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги муносабатлар 1992 йилда қабул қилинган, 2000 йилда янги тахрирда қабул қилинган "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги қонун билан тартибга солиб келинаётган эди. Шунингдек, сўнгги йилларда жисмоний тарбия ва спортға аҳолини кенг жалб этиш ва соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида бир қатор қонунли ҳужжатлари қабул қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги, "Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзи Олимпиада ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида"ги Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон "Ёшлик" жисмоний тарбия ва спорт жамияти фаолиятини тақомиллаштириш тўғрисида"ги, "Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг замонавий тизимини яратиш тўғрисида"ги ва бошқа соҳага доир қарорлар фикримиз далили бўла олади.

Президентимиз ташаббуси билан 2002 йилда ташкил қилинган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг 2014 йил якуни бўйича бўлиб ўтган йиғилишида таъкидланишича, жамғарма ташкил этилганидан буюн республикада 1700 дан зиёд спорт объектлари барпо этилиб, улар замонавий спорт инвентарлари ва малакали мураббийлар билан таъминланди. Яратилган имкониятлар натижасида бугунги кунда мамлакатимизда ёшлар орасида спорт билан мунтазам шуғулланувчилар 35 фоизга, қизлар ўртасида 32 фоизга ўсган ва ҳозирда умумий ҳисобда 2 миллиондан зиёд ёшлар спортнинг 30 тури билан машғулдир. Буларнинг самараси ўлароқ республикада мутлақо соғлом болалар кўрсаткичи 2005 йилдаги 52,7 фоиздан 2014 йилга келиб 64,5 фоизгача ўсди, сўнгги ўн йилда ривожланишда тўғма нуқсонли бўлган болалар сонини 1,3 баробар камайдди, аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси 67 ёшдан 73 ёшга, аёллар ўртасида эса 75 ёшга етди.

Шунингдек, юртимиз спортчилари Жаҳон, Олимпиада, Осиё китмаси мусобақаларида муносиб катнашмоқда. Жумладан, яқинда Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида ўтказилган бокс бўйича Осиё чемпионатида иккита олтин, бешта кумуш ва битта бронза медалини қўлга киритган вакилларимиз умумжамоа ҳисобида Осиёда иккинчи ўринни эгалладилар. Спортчиларимиз томонидан эришилган бундай натижалар нафақат спортнинг бокс тури, балки кураш, гимнастика, шахмат, теннис, футбол, дзюдо, карате, таэквондо ва бошқа спорт турларида ҳам қайд этилмоқда.

Шу билан бирга, соҳада эришилган талай ижобий натижаларга қарамай, ушбу йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш, аҳолининг кенг қатламлари, айниқса ёшларни ва аёлларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш, жисмоний тарбия ва спортни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг замонавий механизмларини яратиш, миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини ривожлантиришға қаратилган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш ҳамда янада тақомиллаштириш мақсадида парламентимиз томонидан жорий йилда янги тахрирдаги "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди ва 2015 йил 5 сентябрдан эътиборан қучға кирди.

Янги тахрирдаги қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 19 февралдаги "Соғлом бола

**Тошкент шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг фаолиятини кучайтиришға кўмаклашувчи комиссияси томонидан ташкил этилган "Қонун ижодкорлиги фаолияти жараёнида минтақавий ва умумдавлат манфаатларининг мутаносиблигини таъминлашға доир вазифаларни бажаришда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан ўзаро ҳамкорлиги" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

## УМУМДАВЛАТ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ — УСТУВОР ВАЗИФА



Унда комиссия аъзолари, сенаторлар, депутатлар ҳамда Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти халқ депутатлари Кенгашларининг доимий комиссиялари, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мустақиллик йилларида тийиб туриш ва манфаатлар мувоzanатининг самарали тизимини яратиш, қонун ижодкорлиги ишининг сифатини ошириш, минтақавий ва умумдавлат манфаатлари мутаносиблигини таъминлаш юзасидан ишчил чора-тадбирлар амалга оширилганлигини таъкидлаб ўтишди.

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан қабул қилинаётган қонунларнинг сифати сезиларли даражада ошди, минтақалар, тармоқлар ва давлатнинг умумий манфаатлари мутаносиблиги тобора самарали таъминланмоқда.

Шунингдек, Олий Мажлиси Сенати томонидан ўз ваколатлариға мувофиқ, Маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг

фаолиятини кучайтиришға кўмаклашиш, минтақаларни социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий жиҳатдан ривожлантириш вазифаларини хал қилишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига амалий ҳамда услубий ёрдам кўрсатиш бўйича тизимли ишларнинг йўлга қўйилганлиги қайд этилди.

Мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишларнинг самардорлигини янада кучайтириш учун Сенат томонидан 2015 йилдан бошлаб минтақавий ва умумдавлат манфаатларининг мутаносиблигини тўлиқ таъминлаш ҳамда Қонун ҳужжатлари қабул қилингандан кейин уларни ижро этишға доир механизмларни ишлаб чиқиш мақсадида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг тегишли доимий комиссиялари томонидан қўриб чиқиш учун яппи мажлисларға киритилаётган қонунларни фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, мутахассислар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштиро-

кида дастлабки тарзда ўрганиш амалиёти жорий этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2015 йил 23 июндаги Қарори билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати қўмиталари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қабул қилган ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига маъқуллаш учун келиб тушган Қонунларни дастлабки тарзда қўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги Низомға тегишли ўзгариш ҳамда қўшимчалар киритилганлиги билдирилди.

Қўмиталар ва Комиссия томонидан қонун ижодкорлиги фаолияти жараёнида минтақавий ва умумдавлат манфаатларининг мутаносиблигини таъминлашға доир вазифаларни бажариш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш мақсадида маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари билан ҳамкорликда долзарб мавзуларға бағишланган бир қатор семинарлар, давра суҳбатлари, конференциялар ўтказилган алоҳида эътибор қаратилаётганлиги айтиб ўтилди.

Шу билан бирга давра суҳбати чоғида Комиссия аъзолари ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоят Кенгашлари депутатлари томонидан бу борада айрим камчиликлар мавжудлиги қайд этилди. Уларни бартараф этиш ҳамда қонун ижодкорлиги фаолияти жараёнида минтақавий ва умумдавлат манфаатларининг мутаносиблигини таъминлаш вазифасини бажаришда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан ҳамкорлигини янада тақомиллаштириш бўйича бир қатор тақлиф ва тавсиялар берилди.

Давра суҳбати доирасида муҳокама этилган барча масалалар бўйича тегишли тавсиялар қабул қилинди.

ли "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" спорт ўйинлари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Бундай тизимнинг яратилганлиги эса мамлакатимиз ёшларининг жаҳон ареналарида эришаётган улкан ғалабаларига пойдевор бўлмоқда. Янги тахрирда қабул қилинган "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Қонунда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ушбу ўч босқичли спорт мусобақаларини ташкил этишдаги иштирокларининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди.

Эндиликда ушбу янги тахрирда қабул қилинган "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Қонун нафақат давлатнинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги тартибга солиш функцияларини белгилаб бермоқда, шунингдек, фуқароларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари ва соғлом ҳаёт кеңиришлариға имкон берувчи нормаларни тақомиллаштирмоқда, шу билан бирга ўзбек миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини янада ривожлантиришға асос бўладиган ҳуқуқий нормаларни белгилаб бермоқда. Жумладан, янги тахрирдаги қонун нормаларига мувофиқ, иш берувчилар, уларнинг бирлашмалари ва ҳодимлар ёки уларнинг вакиллик органлари ўртасидаги жамоа шартномалари, келишувлар ва меҳнат шартномаларига, ҳодимларға жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш, жисмоний тарбия, спорт, реабилитация қилувчи ҳамда ҳодимларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишиға боғлиқ бўлган бошқа тадбирларни ўтказиш учун шароитлар яратиш ҳақидаги, ҳодимларға ва уларнинг оила аъзоларига спорт жиҳозлари ва анжонларидан фойдаланиш имкониятини бериш ҳақидаги каби қоидалар киритилиши мумкин.

Шунингдек, асрлар давомида ота-боболаримиз томонидан шуғулланиб келинган кураш, белбелги кураш, улоқ, кўпқари сингари миллий спорт турлари ва қирқдан зиёд халқ ўйинларини ривожлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида, янги тахрирдаги қонунда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари, бошқа ташкилотларнинг Ўзбекистон миллий спорт турлари ҳамда халқ ўйинларини ривожлантиришға ҳар томонлама қўмаклашиш лозимлиги белгилаб берилди.

Янги тахрирдаги қонунда яна бир янгилик сифатида ҳорийий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ва спортчиларнинг спорт фаолиятини мунтазам мониторинг қилишини ягона тизимини жорий этиш мақсадида, спортчининг жисмоний тарбия-спорт ташкилотига мансублигини ва унинг спорт малакасини тасдиқлайдиган янги "спорт паспорти" тушуниқ киритилди. Спорт паспорти ягона намунадаги ҳужжат бўлиб, унда спортчининг фамилияси, исми, отасининг исми, тутилган санаси, жисмоний тарбия-спорт ташкилотига мансублиги, спорт увонлари ва спорт тоифалари берилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, спорт мусобақаларида эришилган натижалар, давлат мукофотлари ва бошқа шахдаги спортчи тўғрисидаги маълумотлар қўрсатилган бўлади.

Шу ўринда янги тахрирдаги қонуннинг олдинги қонундан яна бир фарқи ўзига хос жиҳати сифатида, халқаро спорт мусобақаларида иштирок этишға тайёргарлик қўриш ва жаҳон майдонларида юртимиз байроғини юқори кўтаришға қодир бўлган Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари асосий ва заҳира таркибларини шакллантириш учун зарур шароитлар яратишға доир талабларни жорий қилиш қонуннинг алоҳида боби билан белгилаб берилганлигини эътироф этишимиз мумкин.

Хулоса ўрнида айтганда, янги тахрирдаги "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши аҳолини жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишға кенг жалб қилишға, фуқароларимизнинг соғлом ва узоқ умр қўришға, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида мутахассислар тайёрлашнинг самарали тизимини ҳамда спорт инфратузилмасини шакллантиришға, спортнинг миллий турларини ривожлантиришға ва энг муҳими юртимиз ёшларининг халқаро мусобақаларда, Олимпиада ўйинларида муносиб иштирок этишини таъминлашға хизмат қилади.

**Сардор АҲМЕДОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Амалдаги қонун ҳужжатлари  
мониторинги институтининг  
етакчи илмий ходими

## САЙЁҲЛИК САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МУҲИМ ОМИЛ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимизда Жаҳон сайёҳлик ташкилотини билан ҳамкорликда қўллаб-қувватлаш амалга оширилмоқда. Ўзбекистон ушбу ташкилотта 1993 йилда аъзо бўлган. 2004 йилдан буюн Самарқандда Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг Буюк Ипак йўлидаги минтақавий маркази фаолият кўрсатмоқда. Ўзаро ҳамкорликда халқаро сайёҳлик ярмаркалари, анжуманлар ва семинарлар ташкил этиб келинмоқда. Утган йилнинг октябрда ойда Самарқандда ўтказилган БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилотини Ижроия кенгашининг 99-сессияси туризм индустрияси ривожига муҳим қадам бўлди.

Ўзбекистонда 1995 йилдан буюн анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси мамлакатимиз туризм саноатини ривожлантиришға катта ҳисса қўшмоқда. Жаҳон жамоатчилигини юртимизнинг бу борадаги улкан салоҳияти билан таништириш, ҳорийининг сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришға хизмат қилмоқда.

Бу йилги ярмаркада Ўзбекистон, АҚШ, Буюк Британия, Бельгия, Германия, Испания, Италия, Франция, Швейцария, Латвия, Россия, Польша, Словакия, Чехия, Хитой, Хиндистон, Бирлашган Араб Амириклари, Сингапур, Вьетнам, Малайзия, Таиланд, Туркия, Доминикан Республикаси, Исроил, Озарбайжон, Туркменистон, Қозоғистон, Тожикистон каби мамлакатлардан етти юздан зиёд фирма ва компаниялар вакиллари иштирок этмоқда.

Компаниямиз Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркасида биринчи марта иштирок этмоқда, — дейди Таиланд меҳмонхоналари уюшмаси бош котиби Сучин Жизнентерт. Ўзбекистонда бизнес юритиш, хусусан, сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик қилиш учун тафти имкониятлар яратилган. Таиландда Ўзбекистонга ташриф буюришни истовчилар жуда кўп. Ушбу ярмаркада мамлакатимизнинг туризм соҳасидаги имкониятлари билан яқиндан танишиш, Ўзбекистоннинг фирма ва компаниялари билан ҳамкорлик ўрнатиши мақсад қилинмиш.

Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси сайёҳлик саноатининг барча замонавий йўналишларини қамраб олган. Унда туроператорлар, турагентлар, йирик тармоқли меҳмонхона мажмуалари ҳамда хусусий отеллар, санаторийлар, курортлар, автотранспорт компаниялари, авиаташувчилар, глобал буюртма тизимлари, турбизнес ва бошқа сайёҳлик хизматларининг дастурий таъминотчилари, музейлар ҳамда маданий ҳорий қичариш ва дам олиш саноати қороналарининг хизматлари, соҳага оид замонавий технологиялар намойиш этилмоқда. Ярмаркада бизнес, экология, спорт ва маърифий саёҳат, экскурсия, круиз, меҳмонхона ва ресторан сервиси, соҳага доир қўчмас мулк ва суғурта, соғломлаштириш, гастрономик туризм каби йўналишларда оид бўлилар иш олиб бормоқда.

"Ўзбекистон бўйлаб саёҳат" миллий навилонидида мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан сайёҳлик фирма ва компаниялари иштирок этмоқда. Унда ўқув ва соғломлаштириш марказлари, театрлар, музейлар, сайёҳлик агентликлари, "Ўзбектуризм" миллий компаниясининг ҳудудий бўлиmlари, Хусусий сайёҳлик ташкилотлари уюшмаси хизматлари тақлиф этилаётди.

Очқ осмон остидаги музейимизда кўп миңг йиллик меъморлик, халқ амалий санъатиға оид доимий кўргазма ва экспозициялар ташкил этилган, — дейди Хивадаги Ичан-қалъа давлат музей-қўриқхонаси вакили Мақсуд Абдурауф. — 140 дан ортик археологик обидлар кўз қорачиқдек асраб-авайлаб келинмоқда. Ҳодимларимиз томонидан меъморий обидлар, ноёб ашёлар ва нодир коллекцияларни сақлаш, ўрганиш ҳамда кенг миқёсда тарғиб этиш борасида ишчил изланишлар олиб боришмоқда. Моддий-маданий меросни асраб-авайлаш, илмий тавсифлаш, ёшларимиз қалбига миллий ғурур тўйғуларини қучайтиришға хизмат қилувчи янги музейлар, экспозиция ва кўргазмалар ташкил этишға алоҳида эътибор қаратилаётди. Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркасида миллий маданий меросимизни ҳорийий мамлакатларда кенг тарғиб қилиш, минтақамизға чет эллик сайёҳларни кўпроқ жалб қилиш мақсадида жаҳоннинг нуфузли сайёҳлик компания ва фирмалари билан шартномалар тузишни режалаштирилмиш.

Ярмаркаға ташриф буюрувчилар Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сармоявий салоҳияти билан ҳам танишиши мумкин. Ярмарка доирасида ташкил этилган "Миллий таомлар фестивали", "Шарқ бозори", "Ўзумнинг қўшили шингиллар" экспозицияларида иштирокчиларға ўзбек миллий таомлари ҳамда саволати заминимизда етиштирилган сархил мева ва сазавотлар билан танишиш, миллий пазандачилигимизға оид маълумотларға эға бўлиш имконияти яратилган. Анжуман қатнашчилари "Ҳунармандлар шаҳри" бўлимида намойишға қўйилган маҳоратли усталар томонидан нозик дид билан ишланган миллий ҳунармандлик буюмларини катта қизиқиш билан томоша қилаётди.

Ярмаркада таълим туризмиға оид алоҳида бўлим ташкил этилган. Тошкент давлат иқтисодий университети, Самарқанд иқтисодий ва сервис ҳамда Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтлари, қатор касб-ҳунар коллежларида сайёҳлик маркетинги ва менежменти, хизмат қўрашчи, халқаро туризм, меҳмонхона ҳужалиги ва ресторан иши йўналишлари бўйича мутахассис тайёрлаш йўлга қўйилган. Ушбу бўлимида мазкур таълим муассасалари ва "Ўзбектуризм" миллий компаниясининг ўқув маркази тақдим этилган.

Мамлакатимизда сайёҳликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Тошкент давлат иқтисодий университети халқаро туризм факультети доценти Маҳбуба Алиева. — Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркасида ташкил этилган таълим туризм стелларида бу борадаги ютуқ ва имкониятлар ақол намоян бўлмоқда. Факультетимизда меҳмонхона ҳужалиги, сайёҳлик маркетинги ва менежменти ҳамда хизмат қўрашчи йўналишлари бўйича малакали кадрлар тайёрланмоқда. "Ўзбектуризм" миллий компанияси, АҚШ, Буюк Британия, Испания, Франция, Греция, Италия, Малайзия каби мамлакатларнинг олий ўқув юртлари билан яқин ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз.

Кўргазма доирасида ташкил этилган "Hosted Buyers" ("Профессионал харидорлар") дастури учрашуварида ҳорийий компаниялар раҳбар ва менежерлари мамлакатимиздаги сайёҳлик йўналишлари билан танишиш, ҳамкорлик ўрнатиш ва ўзаро манфаатли шартномалар тузиш имконияти эға бўлмоқда.

Ярмарка доирасида "Маданий меросни асраш Ўзбекистон сайёҳлик соҳаси ривожининг муҳим омили" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. "Ўзбектуризм" миллий компанияси ва ЮНВТО ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимизда маданий меросни асраб-авайлаш ва ўрганишға алоҳида эътибор қаратилаётгани, бу туризмни ривожлантиришда алоҳида ўрин тутаётгани таъкидланди.

Конференцияда Ўзбекистоннинг Ипак йўлида туризмни ривожлантиришдаги ўрни, маданий мерос объектларини асраш, ўрганиш, жаҳон миқёсида кенг тарғиб ва ташвиқ этиш, бу орқали туризмни янада ривожлантириш, сайёҳлик соҳасида кадрлар тайёрлашнинг истиқболлариға оид масалалар муҳокама қилинди.

Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси доирасида энг яхши сайёҳлик йўналиши тақдимоти, компания ва меҳмонхона тақдимоти, энг яхши стелд, тематик бўлим ва туристик имкониятлар, энг яхши сервис, энг яхши дизайн, кўп йиллик ва сермахсул ҳамкорлик каби қатор йўналишларда танловлар бўлиб ўтди.

Кўргазмада мамлакатимизға сайёҳларни янада кўпроқ жалб қилиш борасида чет эллик ҳамкорлар ва мутахассислар билан ўзаро фирм алмашти, ҳамкорликка оид битимлар имзоланиши қўтилмоқда.

**Нодира МАНЗУРОВА,**  
ЎАА мухбири

# ДЎСТЛИККА АСОСЛАНГАН ИЗЧИЛ АЛОҚАЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Кореянинг Тэгу ва Пусан чет тиллари университетларида ўзбек тили, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент давлат шарқшунослик ва Самарқанд давлат чет тиллар институтларида корейс тили ўргатилмоқда. Мамлакатимиз олий ўқув юртлиари Корея Республикасининг ўттиздан ортиқ илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик қилиб келаётир. Тошкент шаҳрида Инха университети филиалининг ташкил этилиши таълим борасидаги ҳамкорлик кўлами ва истиқболнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Мамлакатимиз Жанубий Корея раҳбарияти илгари сурган "Евросиё ташаббуси"ни қўллаб-қувватлайди. Ушбу ташаббус қадимий Буюк ипак йўлини замонавий шароитларда қайта тиклашга қўшилган муҳим ҳисса сифатида эътироф этилмоқда. Бунда Корея Республикаси ва Марказий Осиё мамлакатлари ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади.

"Корея Республикаси – Марказий Осиё" ҳамкорлик форуми Жанубий Корея билан Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги турли соҳалардаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва янада кенгайтириш мақсадида 2007 йилда таъсис этилган. Ҳар йили мунтазам ўтказиладиган форум мажлисларида икки томонлама ва кўп томонлама алоқалар ҳолати ва истиқболлари атрофлича муҳокама қилинади.

Форумда Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги юксак суръатларда тараққий этаётган ҳамкорлик самаралари ҳақида сўз юритилди. Бу алоқаларни янада ривожлантириш учун ҳар икки мамлакат ҳам улкан салоҳиятга эга экани алоҳида қайд этилди.

– Соғлиқни сақлаш соҳаси Корея Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ҳамкорлигининг муҳим йўналишларидандир, – деди Корея тиббиёт саноатини ривожлантириш институти глобал соғлиқни сақлаш департаменти директори Ким Су Унг. – Жанубий Кореянинг қўллаб клиникалари Ўзбекистон шифохоналари билан яқин ҳамкорлик қилмоқда. Мутахассислар ўртасида тажриба алмашинуни йўлга қўйилган. Ташкилотимиз Ўзбекистон билан фаол ва самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда, биргаликда қатор лойиҳалар устида иш олиб бормоқдамиз.

Жанубий Корея билан Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида қишлоқ ҳўжалиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш, номоддий маданий ресурсларни асраш ва фойдаланиш, божхона бошқаруви ахборотлаштириш ва савдон ривожлантириш каби қатор соҳалардаги ҳамкорлик истиқболларига оид маърузалар тингланди. Форум доирасида икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликни янада фаоллаштиришга келишиб олинди.

(ЎзА)

**Маълумки, ҳар қандай инсоннинг фазилати яқинлари ва маҳалла-қўй томонидан унинг мазмунли ҳаёти, турмуш тарзи, оилапарварлиги, меҳнатсеварлиги, одамшавондалиги каби қатор хусусиятлар билан ўлчанadi. Кўпчилик эътибори ва ҳўрматиға сазовор бўлиб яшаш эса ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Ана шундай эл-юрт ўртасида ўзининг жонқуярлиги ва ҳалол меҳнати билан эъзоз ва эътибор топган инсонлардан бири Обид ака Аҳмедовдир.**

## Ҳамшаҳарларимиз

## УМР МАЗМУНИ

Обид ака ёшлигидан тарих фанига меҳр қўйганлиги сабабли, 90-мактабни аъло баҳоларга тугатиб, Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг тарих факультетида тахсил олган, бир неча йил таълим тизимида меҳнат қилди. Ўз фаолиятини 128-мактабда ўқитувчилардан бошлаб, илмий бўлим мудири, мактаб раҳбари даражасига кўтарилди. Халқ маорифи аъло-чиси бўлди.

Обид ака билан мактаб, таълим, тарбия мавзусида сўхбат қўрувдек бўлсан-гиз бу ҳақда тўқинлиниб сўзлайди. Ватанимиз истиқлоли туфайли республика-мизда Ўртбошимиз раҳнаомлигида улкан ислохотлар амалга оширилгани, билимга чанқоқ ёшларимизнинг бахти, камали тўғрисида соатлаб мароқли гапи-риб бериши мумкин.

О.Аҳмедовнинг таълим тизими соҳа-сидаги серкира фаолияти назарга олиниб, 1974 йил Чилонзор туманида ташкилий бўлим бошлигининг ўринбосари лавозим-ига ишга тайинланди. Бу осон иш эмас-ди. Бунда Обид акага педагогик фаоли-яти кўл келди. Шу-шу Обид ака бошқа-рув тизимига боғлианиб қолди. Унга меҳр қўйди, меҳнатига яраша қадр топди. Обид ака замон билан ҳамнафас бўлиш-ни мақсад қилиб Тошкент давлат иқтисо-дий университетига ўқишга кириб, уни муваффақиятли тамомлади. Ҳозирда у ҳам тарихчи, ҳам иқтисодчи.

Бундан йигирма тўрт йил муқаддам Ватанимиз мустақилликка юз тугганида Обид акадек бахтли инсон йўқ эди. Мамлакатимиз бойлигиға ўзимиз эға бўли-шимиз, уни идора қилишимиз, азалий урф-одат ва қадриятларимизнинг қайта-дан бўй қўрсаатиши том маънода улкан воқеа бўлди. Уша пайтлардаги ҳажжонли кунларни Обид ака худди кечагидек э-слайди. Қаерда бўлмасин мустақиллиги-мизни асрайлик, уни янада мустаҳкамлаш ҳар биримизнинг бурчимиз, қўлимиздан келгунча гўзал диёримизнинг гўллаб-я-наши, ободлиги учун хизмат қилишимиз керак, кеча қим эдигу бугун қим бўлгани-мизни зинҳор-зинҳор унутмайлик, дейди.

Обид ака билан яқинда сўхбат қўрга-нимизда, "Кўрдингизми, Ўзбекистони-миз дунёнинг энг бахтли мамлакатлари ора-сида 44-ўринга чиқибди. Бу жуда катта

гап", дедилар. Ҳа, дарҳақиқат, бу жуда катта воқеа. Ҳозир тенглар ичида тенг мамлакатимиз. Ватанимизнинг бундан-да юксак даражаға эришишида Обид ака сингари минглаб, миллионлаб фидойий инсонларнинг ҳиссаси ҳам бор эканлиги-ни унутмаслигимиз керак.

Обид акани маҳалладошлари улуғлаб, "маҳалланинг фахри" дейишади. Бунинг сабаби бор, албатта. 1993 йилдан бош-лаб 2010 йилгача Обид Аҳмедов маҳал-ланинг қувончу ташвишлари билан банд бўлди. Унинг кўз ўнгига маҳалла шакл-ланди, ривож топди. Салкам ўн беш йил тумандаги "Шарқ тонги" маҳалласига ра-ислик қилиб, маҳалла аҳлини бирлашти-риш, тинчлик ва хотиржамликини таъмин-лаш йўлида бор кучини аямади. Катта-ларни ҳўрматда, кичикларни иззатда тут-ди. Сўнг ўн йил туман "Маҳалла" хайрия жамоат фонди раисининг ўринбосари си-фатида фаолият қўрсапти. Айни пайтда эса "Нуроний" жамғармаси Чилонзор ту-мани бўлими раиси вазифасида хизмат қилмоқда. Мазмуни умрининг 75 йилли-гини нишонлаётган Обид ака бугун жуда бахтиёр. Бешта фарзандни тарбиялаб во-яға етказди. Ҳозирда у ўн тўрт набилири ва икки чеварали отахон.

Обид ака ўз оиласи мисолида 2015 йил-ни ниҳоятда бахтли йил деб ҳисоблайди. Зеро, жорий йилда учта набирасининг икки нафари Тўқимачилик саноати инсти-тутига қабул қилинди, бир набираси эса Тошкент Давлат техника университетининг 4-босқичдан Жанубий Кореяда ўқишни давом эттириш учун танлаб олинди. Оила учун бундан ортиқ бахт борми дунёда.

Ватан равнақи йўлидаги меҳнатлари му-носиб тақдирланиб, "Шўхрат" медалли ҳамда мустақиллигимизнинг 1, 10, 20 йил-лиги кўкрак нишонли кўксини беэаб турган Обид ака Аҳмедов бугун ҳам эл хизмати-да. Туман "Нуроний" жамғармаси фаоли-ятини самарали бошқариб келмоқда. Уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда ўз ёшдан ошган 5 нафар тумандошлари ҳолидан ха-бар олиб турибди. Давлатимиз томони-дан кўксаларға берилган имтиёزلарни кенг тарғиб қилмоқда. Энг муҳими, Обид ака сингари инсонлар орамизда кўп. Уларнинг мазмуни ҳаёти бошқаларға, айниқса ёш авлодга катта ибратдир.

Эргаш ИСМАТУЛЛАЕВ

**"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Сергели туман Кенгаши томонидан 322-умумий ўрта таълим мактабида "Мен "Қамолот" ва "Қамалак"ка аъзо бўлам" лойиҳаси доирасида тадбир ташкил этилди.**

200 нафар ўқувчи-ёшлар иштирок этган тадбирда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилотига аъзоликка қабул қилиш маросими ўтказилди ва мактабнинг бошланғич ташкилоти Кенгашининг 14 нафар аъзолари сайланди ҳамда қасамёд қабул қилишди.

Бугунги кунда туманда 24 та умумий ўрта таълим мактаби, 8 та академик лицей ва қасб-хўнар коллежлари ҳамда 15 га яқин қорхона ва ташкилотларда Ҳаракатнинг бошланғич ташкилоти фаолият юритиб келмоқда.

Тадбирда сўзга чиққан "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Сергели туман Кенгаши раиси Санжар Саидов, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири ўрин-босари Гулмира Эгамбердиева, 322-умумий ўрта таълим мактаби дирек-тори Барно Турғуновалар мамлака-тимизда ёшларға яратиб берилаёт-ган шарт-шароитлардан оқилонга фойдаланиш орқали уларнинг юрт равнақига муносиб ҳисса қўйишлар-и учун барча имкониятлар мавжуд эканлигини айтиб ўтишди.

– Барчамизға маълумки, Ўзбекис-тон "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати 14 йилдан буён ёшларни ўз атрофида бириштириш, уларни соғлом турмуш талаблари асосида тар-биялаш, ўғил-қизларнинг ўз ақл-заковати, куч-ғайратларини тўла-тўқис намоён этишларида қўлайлиқлар яратиб бериш мақсадида фаолият олиб бормоқда, – дейди "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Сергели туман Кенгаши раиси Санжар Саидов. – Сўнгги йилларда бошланғич ташкилот-лар фаолияти самарадорлигини оширишға қаратилган қатор ижобий иш-лар амалға оширилди, жумладан, ўтган йили бошланғич ташкилот фаоли-ятига доир услубий қўлланма ва ўқув-услубий фильм яратилиб, барча бошланғич ташкилотларға етказилди, ёшлар ўртасида "Қамолот" ва "Қа-малак" аъзоллиға қабул қилиш қасамёди, "Қадрият, урф-одат, аънана ва ёшлар" ва "Талабалар баҳори" фестиваллари, "Ёш тадбиркор юртга ма-дадкор", "Менинг бизнес гоям", "Юрт келажаги" ва "Қамалак юлдузлари" танловлари, "Бунёдкор" ёшлар меҳнат ҳаракати, "Қамолот" стипенди-яси, футбол бўйича аса "Қамолот кубogi" ва "Шахмат тахтаси" спорт мусобақа-лари, бошланғич ташкилот етакчилари Форуми каби йирик лойиҳалар

таълим муассасалари ўртасида мунтазам ўтказиб келинмоқда. Бундай тад-бирларни ташкил этиш натижасида Ҳаракатнинг таълим муассасасининг бошланғич ташкилотлари фаолиятида ижобий ўзгаришларға эришилди, уларнинг ўқувчи-ёшлар ҳаётидаги ўрни сезиларли даражада ортди. Ҳар йили аънаваний тарзда янги ўқув йилининг бошида ўтказиладиган "Мен "Қамалак" ва "Қамолот" аъзосиман" ҳам шундай йирик лойиҳалардан би-ридир.

Бундай тадбирларни ўтказишдан асосий мақсад ҳисмонан соғлом, маъ-навий ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган ёш авлодни шакллантириш, уларни ташқи таҳдидлар ва "оммавий маданият"нинг зар-рарли таъсиридан муҳофаза қилиш, ёшларнинг ҳўқуқ ва қонуний манфа-атларини ҳимоя қилишға ҳар томон-лама кўмаклашиш ва шарт-шароит-лар яратиш билан бир қаторда "Қа-молот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ат-рофида бириштиришдан иборатдир.

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳара-кати Марказий Кенгашида намунавий "Қамалак"ка аъзосман" деб номлан-ган тантанали қасамёд қабул қилиш

маросими бўлиб ўтди.

"Қамолот" ЁИХ Шайхонтоҳур туман Кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда тумандаги умумтаълим мактабларидаги 4-синф ўқувчилари "Қа-малак" болалар ташкилотига аъзоликка қабул қилиндилар. Болажонлар Президентимиз, Ватанимизға содиқ бўлишға, "Қамолот" фаолиятида, жа-моат ишларида фаол бўлишға тантанали қасамёд қилишди.

Туман Кенгаши раиси Лазиз Тўраев ва "Қамалак" болалар ташкилоти раиси Насиба Вайсовалар болажонларға "Қамалак" болалар ташкилоти-нинг кўкрак нишонларини тақиб, келгуси ўқишларида муваффақиятлар тилашди.

Тадбирнинг бадий қисмида болажонлар рақс ва ашулалар ижро этиб, турли бадий чиқишлари билан йиғилганларға кўтаринки кайфият бағиш-лашди.

Яқунда фаол иштирок этган болажонларға "Қамолот" ЁИХ туман Кенга-ши томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Зиёда РАСУЛОВА

## ДИҚҚАТ! ТАНЛОВ!

## "ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ АХБОРОТ ХИЗМАТИ"

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агент-ликларини қўллаб-қувватлаш ва ривож-лантириш жамоат фонди давлат ҳокими-яти ва бошқаруви органлари, йирик ҳўжалик субъектлари, шунингдек, жамо-ат ташкилотларининг ахборот хизматла-ри ўртасида **"Йилнинг энг яхши ахбо-рот хизмати"** ижодий танловини эълон қилади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижо-рат ташкилотлар ва фуқаролик жамия-тининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмағида ўтказилади.

### Танлов шартлари

Танловда иштирок этиш учун ахборот хизмати ёки матбуот-марказининг жорий йилдаги фаолияти ва эришган ютуқла-ри ҳақида маълумот – 2015 йилнинг 1 январидан 1 декабригача давлат ҳоки-мияти ва бошқаруви органлари, ҳўжа-лик субъектлари, жамоат ташкилотлари-нинг расмий ахборот сайтларида, шу-нингдек, мамлакатнинг босма ва Интер-нет нашрларида чоп этилган, таъриф-ланган фаолиятни тасдиқлайдиган ман-баларға барча ҳаволаларни тақдим эт-ган ҳолда, вазирликлар, идоралар ёки жамоат ташкилотлари, ахборот хизмати ҳодимининг Ф.И.Ш., ОАВда тадбирлар қайд этилган мақолаларнинг асл нусха-си тақдим этилиши керак.

**Танлов олтига номинация бўйича ўтказилади:**

- йилнинг энг фаол ахборот хизмати;
- йилнинг энг фаол ахборот хизмати раҳбари ёки ҳодими;
- энг яхши давлат ҳокимияти ва бош-қаруви органи расмий сайти;
- йил кашфиёти;
- маълумотларни ижтимоий тармоқ-ларда энг яхши тақдим этганлиги учун;
- журналист наздидаги энг яхши ах-борот хизмати.

**Номинациялар бўйича танлов ҳуж-жатлари рўйхати**

**Йилнинг энг яхши ахборот хизмати** – жорий йилда ахборот хизмати ёки ах-борот хизматининг фаолияти ва ютуқла-рини эркин шаклда таърифлаш (булар ташаббус қўрсатилган мақолалар сони, ахборот хизмати ҳодимларининг исми ОАВда қайд этилиши, ташкилот нуфузи-ни бошқариш, имижини ўзгартириш бўйича ҳаракатлари бўлиши мумкин, таъ-рифланган фаолият ва мақолаларнинг намуналарини тасдиқлайдиган барча манбаларға ҳаволалар тақдим этилиши керак).

**Йилнинг энг яхши ахборот хизмати раҳбари** – жорий йилда ахборот хизма-ти ёки ахборот хизматининг фаолияти ва ютуқларини эркин шаклда таърифлаш (булар ташаббус қўрсатилган мақолалар сони, ахборот хизмати раҳбарининг Ф.И.Ш.нинг ОАВда қайд этилиши, таш-килот нуфузини бошқариш, имижини ўзгартириш бўйича ҳаракатлар бўлиши мумкин, таърифланган фаолият ва мақо-лаларнинг намуналарини тасдиқлайдиган барча манбаларға ҳаволалар тақдим этилиши керак).

**Энг яхши расмий сайт** – давлат ҳоки-мияти ва бошқаруви органлари расмий сайтининг фаолиятини, расмий веб-сайт ва бошқа ОАВда, жумладан, электрон на-шрларда чоп этилган ахборотга ҳавола-лар сони, веб-сайтга кундалик ташриф

бўйиричилик сони, чоп этилаётган ахбо-ротнинг гоявий-бадий даражаси ва кон-тент сифати, шунингдек, расмий веб-сайтда тил версияларининг ишлашини эркин усулда таърифлаш.

**Йил кашфиёти** – жорий йилда йирик жамоат ташкилотлари, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ахбо-рот хизмати ҳодимлари ёки ахборот хиз-матининг фаолияти ва ютуқларини эркин шаклда таърифлаш (булар ташаббус қўрсатилган мақолалар сони, ахборот хиз-мат ходимлари Ф.И.Ш. матбуотда қайд этилиши, ташкилот нуфузини бошқариш, имижини ўзгартириш бўйича ҳаракатлар бўлиши мумкин, таърифланган фаолият ва мақолаларнинг намуналарини тасдиқ-лайдиган барча манбаларға ҳаволалар тақдим этилиши керак).

**Маълумотларни ижтимоий тармоқ-ларда энг яхши тақдим этиш** – дав-лат ҳокимияти ва бошқаруви органи рас-мий саҳифасининг ижтимоий тармоқлар-даги фаолияти, рўйхатдан ўтганларнинг сони, фойдаланувчиларнинг умумий қа-рови, расмий саҳифа ва Интернет-ОАВ-да чоп этилган ахборотга ҳаволалар сони, расмий саҳифада тақдим этилган материалларға репостлар сони, ахборот-ни ижтимоий тармоқларда жойлаштириш тезлиги, ижтимоий тармоқларда фойда-ланувчилар билан мулоқот самарадорли-гини эркин шаклда таърифлаш.

**Журналист наздидаги энг яхши ах-борот хизмати** – давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизмати-нинг оммавий ахборот воситалари ва-киллари билан ўзаро ҳамкорлиги меха-низмлари, масс-медиа вакиллари учун ўтказиладиган тадбирлар сони ва улар-нинг иштирок этиш даражаси, шаклан-ган журналистлар пулининг мавжудлиги, журналистлар учун махсус мавзуга доир танловларнинг ўтказилиши, тадбирлар доирасида тақдим этиладиган таркатма материалнинг сифати, онлайн режими-да ташкилот фаолияти ҳақидаги дайд-жестларнинг доимий равишда юритили-шини эркин шаклда таърифлаш.

Танловда иштирок этиш учун ариза юридик шахс раҳбари – танлов ишти-рокчиси томонидан имзоланган ва муҳр босилган, иш жойи, касбий фаолияти ҳақида қисқача маълумот, телефон рақа-ми, манзили ва муаллиф паспортининг нусхаси илова қилинган ҳолда тўлдирил-ган бланкин ташкил этади.

Танловга топширилган материаллар ўзбек, рус ёки қорақалпоқ тилида тайёр-ланган бўлиши ва босма, Интернет нашр ёки веб-сайт қўрсатилган ҳолда босма ҳамда электрон шаклда тақдим этилиши керак.

Фоторепортажлар асл нусха ҳолатида тақдим этилади.

**Танлов ғолибларига совринлар** Ғолиблар ҳар бир номинация бўйича махсус диплом ва қимматбаҳо совға билан тақдирланади.

Материаллар 2015 йилнинг 4 декабри-гача **"Йилнинг энг фаол ахборот хиз-мати"** танловиға қайди билан Тошкент шаҳар 100129, А.Навойи кўчаси, 30-ўй, 2-қават, 45-хона манзили бўйича Ўзбекис-тон мустақил босма оммавий ахборот вос-италари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жа-моат фондиға юборилиши керак.

Батафсил маълумотни 244-12-51, 244-14-28 телефонлари орқали олиш мумкин.

## ДИҚҚАТ!

## "ЖАМИЯТ ВА МЕН" ТАНЛОВИ

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентли-клари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди республикадаги босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ва фотожурна-листлари учун **"Жамият ва мен"** танловини эълон қилади.

Танловға жамият учун муҳим аҳамиятга эға, мамлакатимиздаги ижтимоий-сиё-сий, социал-иқтисодий, маърифий-маданий, ҳўқуқий соҳалардаги ислохотларнинг бориши, жамиятнинг фаол аъзолари ташаббусларини бириштириш, ННТ, фуқаро-лик жамиятининг бошқа институтлари, ОАВ ва давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро ижтимоий шериклик ҳамда жамоатчилик назоратини кучай-тиришға қаратилган ижодий ишлар махсус йўналишлар бўйича қабул қилинади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижо-рат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмағида ўтказилади.

### Танлов йўналишлари:

- ижтимоий мавзуда ёритилган энг яхши материал;
- иқтисодий мавзуда ёритилган энг яхши материал;
- тарихий ва маданий мавзуда ёритилган энг яхши материал;
- сиёсий мавзуда ёритилган энг яхши материал;
- илмий-техник мавзуда ёритилган энг яхши материал;
- спорт мавзусида ёритилган энг яхши материал;
- ижтимоий шериклик мавзусида ёритилган энг яхши материал;
- жамоатчилик назорати мавзусида ёритилган энг яхши материал.

### Махсус номинациялар:

- "Ўз даврининг қаҳрамони" мавзусида энг яхши мақола;
- "Янги авлод" мавзусидаги энг яхши мақола.

### Танловни ўтказиш шартлари ва тартиби

Танловға номзодлик учун тақдим этиладиган материаллар 2015 йил 1 январдан 1 декабригача босма нашрларда чоп этилган бўлиши керак. Улар юксак касбий даража билан ажралиб туриши ва қўйидагилардан иборат бўлиши мақсадға му-вофиқ:

- тақдим этилган мавзуга мувофиқлик;
- мавзунини ёритишда асослилик ва ўзига ҳослик;
- материалнинг мазмундорлиги ва тушунарлилиги;
- аниқ ва ишончли маълумот.

Танловда иштирок этиш учун аризалар мазкур эълон чоп этилган вақтдан бош-лаб 4 декабриға қадар Тошкент шаҳар 100129, А.Навойи кўчаси, 30-ўй, 2-қават, 45-хона манзили бўйича қабул қилинади. Мурожаат учун: (371) 244-14-28

Ҳар бир номинация бўйича танлов ғолиблари махсус диплом ва ноутбук билан тақдирланади.

Танловға юборилган материаллар қайтарилмайди, улар учун тақриз ёзилмайди ва ҳақ тўланмайди.

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**"REALTOR GARANT BUSINESS" МҲҲ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдоға қўйидаги қўчмас мулклар такоран қўйилмоқда: Тошкент вилояти, Зангиота тумани СИБ томонидан №11381/24 – сонли ижро ҳужжатиға асосан хатланган, Зангиота тумани, "Бест плюс сервис" х/к худудида жойлашган:

1. 19-сонли савдо дўқони. Бошланғич нархи: 33 862 478 сўм.
2. 20-сонли савдо дўқони. Бошланғич нархи: 30 622 992 сўм.
3. 27-сонли савдо дўқони. Бошланғич нархи: 29 755 790 сўм.
4. 29-сонли савдо дўқони. Бошланғич нархи: 29 924 981 сўм.
5. 35-сонли савдо дўқони. Бошланғич нархи: 30 413 753 сўм.
6. 38-сонли савдо дўқони. Бошланғич нархи: 30 478 070 сўм.
7. 58-сонли савдо дўқони. Бошланғич нархи: 19 107 078 сўм.

8. 64-сонли савдо дўқони. Бошланғич нархи: 24 267 359 сўм.
9. 65-сонли савдо дўқони. Бошланғич нархи: 24 178 100 сўм.
10. 66-сонли савдо дўқони. Бошланғич нархи: 24 847 544 сўм.
11. 31-сонли савдо дўқони. Бошланғич



Ислом Исроилов олган суратлар

## Спорт янгилликлари

БОКСЧИЛАРИМИЗ  
ЖАҲОН  
ЧЕМПИОНАТИДА

**Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Қатар пойтахти Доха шаҳрида бўлиб ўтадиган XVIII жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.**

Ушбу нуфузли мусобақада ўз минтақаларида чемпионлиқни қўлга киритган 260 нафар чарм қўлқоп устаси рингга қўтарилади. Ўзбекистон терма жамоасининг 9 нафар аъзоси мос равишда -49, -52, -56, -60, -64, -75, -81, -91, +91 килограмм вазн тоифаларида чемпионлик учун жангга киришади.

Агар таркибга эътибор қаратадиган бўлсак, унинг ўзаги яқиндагина Таиланддаги Осиё чемпионатида шохсупага қўтарилган тажрибали боксчилардан ташкил топганини кўрамиз. Ватанимиз номидан иштирок этаётган энг сара боксчиларимиз билан танишинг: Ҳ.Дўсмаев, Ш.Зоиров, М.Ахмадалиев, Э.Абдураимов, Ф.Ғоибназаров, Б.Мелиқўзиев, Э.Расулов, Р.Тўлағанов, Б.Жалолов.

Турнирнинг тантанали очилиш маросими кеча "Ali Bin Hamad al-Attia Arena" спорт мажмуасида бўлиб ўтди. Мусобақа бугундан старт олиб 16 октябрга қадар давом этади.

**Мамлакатимиздаги тажрибали футбол ҳакамларидан ҳисобланган ФИФА рефериси – Валентин Коваленкога Осиё чемпионлар лигасининг ярим финал дастлабки учрашувини бошқариш ишониб топширилди.**

ҲАКАМЛАРИМИЗ МУҲИМ  
ЎЙИННИ БОШҚАРИШДИ

Бугунги кунда Осиё китъасининг энг сара ҳакамлари қаторидан жой олган реферимиз Саудия Арабистонининг "Ал-Хилал" ҳамда Бирлашган Араб Амирликларининг "Ал-Аҳли" жамоалари ўртасидаги муҳим ўйинни

аъло даражада бошқариб борди. Валентин Коваленкога қанотларда ҳамюртларимиз Маъмур Саидқосимов ва Хусниддин Шодмоновлар кўмаклашишган бўлса, захирадаги туртинчи ҳакам Шерзод Қосимов бўлди.

Учрашувда комиссарлик қилиш вазифаси Мальдив оролларида Абдулғофир Абдулҳамидга, назоратчилик эса япониялик Тамикава Тору-га топширилди.

Ҳакамларимиздан дадиллик билан учрашувни бошқаришни талаб этган қизикarli бахс томонларнинг иккинчи бўлимида киритган биттадан голлари эвазига 1:1 ҳисобидаги дуранг натижа билан аяқланди.

## САРАЛАШ УЧРАШУВИДАГИ ТАРКИБ

**Ўзбекистон миллий терма жамоаси 8 октябрь кuni Осиё ва жаҳон чемпионати иккинчи саралаш босқичи бешинчи тури доирасида сафарда Баҳрайнга қарши муҳим ўйинда майдонга тушади.**

Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Самвел Бабаев ушбу учрашувга танланган футболчилар рўйхатини маълум қилди. Манам шаҳридаги бахсда иштирок этадиган жамоа таркибидан куйидаги 23 нафар футболчи жой олган: дарвозабонлар – А.Лобанов, Э.Суюнов, И.Нестеров, ҳимоячилар – Д.Хошимов, Е.Кривец, А.Исмоилов, И.Тўхтажўаев, Ш.Муллажонов, В.Денисов, Ш.Муҳаммадиев, ярим ҳимоячилар – О.Аҳмедов (жамоа сардори), С.Жепаев, А. Ҳайдаров, Ф.Мусаев,

С.Рашидов, С.Турсунов, С.Андреев, Ж.Соҳибов, Ж.Ҳасанов, С.Шоаҳмедов, ҳужумчилар – М. Бикмаев, Э.Шомуродов, И.Сергеев.

Маълумки, бундан аввалги турда гуруҳнинг айнаи дамидаги етакчиси Шимолий Корея меҳмонида Баҳрайн устидан кичик – 1:0 ҳисобида зафар қучган эди. Хозирда вакилларимиз учта ўйинда 6 очко жамғарган ҳолда турнир жадвалида Шимолий Кореяни изма-из таъқиб этиб келишмоқда.

## “БУНЁДКОР” ВА “ПАХТАКОР” ЁШЛАРИ ПЕШҚАДАМ

**Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионатининг ёшлар лигасида Тошкентнинг “Пахтакор” ҳамда “Бунёдкор” жамоалари бу йилги мавсумда навбатма-навбат мусобақа етакчилигини ўз қўлларига олишмоқда.**

Мавсум давомида етти очколик фарқи қисқартиришга эришган “Қалдирғочлар” эндиликда 24-тур ўйинлари якунига қўра мусобақа қарвонбошисига ай-

ланди. “Пахтакор” клубининг Фарғонада “Нефтчи” билан ўйинида очко йўқотишдан унумли фойдаланган Ҳикмат Эргашев шогирдлари меҳмонида “Машъал”

устидан 1:0 ҳисобида зафар қучиб, 52 очко билан турнир етакчилигини ўз қўлларига олишди. Илҳом Мўминжонов бошчилигидаги “Шерлар” бугунги кунга келиб 51 очко жамғарган ҳолда чемпионлик учун жиддий курашмоқда.

Пойтахтимизнинг мазкур икки жамоасининг 26-тур доирасидаги ўзаро ўйини 2015 йилги ёшлар лигаси ғолиби қайси клуб бўлишига ойдинлик киритиши

кутилмоқда. Чунки жадвалда 3-ўринда бораётган Муборакнинг “Машъал” жамоаси хозирда пешқадамлардан 10 очко ортда қолмоқда. Қизикarliлиси, “Олмалик” клуби ёшлар лигасининг барча иштирокчиларидан кўра кўпроқ (58 марта) рақиблари дарвозасини ишғол қилган бўлишига қарамай мусобақа етакчилари қаторидан жой олмади.

Ботир ХҲЖАЕВ

**Юртимизга ташқаридан товар-моддий бойликлари импорт қилиш бўйича аниқ ва самарали тартиблар ишлаб чиқилган бўлиб, бунда энг аввало юрдошларимиз саломатлиги, шунингдек, ички ишлаб чиқарувчилар манфаатлари ҳам алоҳида эътиборга олинган. Афсуски, амалдаги тартибларга риоя қилмай, ички бозорни сифатсиз маҳсулотлар билан тўлдиришга ҳаракат қилаётган “ишбилармон”лар ҳам йўқ эмас.**

## Божхона

ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАРГА ЧЕК  
ҚЎЙИЛДИ

Хусусан, яқинда пойтахтимиз божхона ходимлари томонидан катта миқдордаги товар-моддий бойликларнинг ноқонуний олиб кирилишига чек қўйилди.

Чунончи, Тошкент шаҳар Божхона бошқармасининг “Келес” темир йўл божхона пости ходимлари томонидан “Новосибирск – Тошкент” йўналиши бўйича кириб келган йўловчи ташиш поезди йўловчиларининг қўл юқларини божхона назоратидан ўтказиш натижасида фуқаролар А.Раҳимов ҳамда О.Маҳмудовлар (мақоладаги барча исм-шарифлар ўзгаририлган) умумий қиймати 36,6 млн. сўмдан ортиқ бўлган 70 турдаги товар-моддий бойликлар, жумладан, маший тизалаш воситалари ва парфюмерия маҳсулотларини йўловчи божхона декларациясида ва божхоначиларнинг оғзаки сўрови пайтида маълум қилмасдан туриб, олиб киришга урингани фош қилинди.

Шунингдек, пост ходимлари “Алмата – Нукус” йўналиши бўйича кириб келган поезди йўловчиси У.Жабборов қиймати салкам 3,4 млн. сўмлик товар-моддий бойликлари, хусусан парфюмерия ва аёллар гигиеник воситаларини ноқонуний равишда олиб киришга уринган пайтида тўхтатиб қилинди.

Юқоридаги ҳолатларда улар юридик шахс бўлмасдан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтмасдан туриб, товар-моддий бойликларини тижорат мақсадида олиб киришга уринишган.

Тошкент шаҳар Божхона бошқармасининг “Бошпота-там” божхона пости ходимлари Хиндистондан келган почта жўнатмаларининг Маргилон шаҳридаги айнан бир қўчада истикомат қилувчи бир неча шахслар номига юборилганлигидан шубҳаланиб қолишди. Мазкур почта жўнатмалари амалдаги тартибларга мувофиқ

божхона кўригидан ўтказилганда, уларда айнан бир турдаги товар – аёллар учун хина бўёқлари юборилганлиги аён бўлди. CN-23 шаклидаги почта декларациясида кўрсатилмаган 5500 донадан ортиқ хина бўёқларининг умумий қиймати 27,5 млн. сўмдан ортиқ бўлиб, уларнинг шахсий фойдаланиш учун эмас, аксинча, тижорат мақсадида юборилганлиги аниқланди.

Хозирда мазкур ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Эслатиб ўтамиз, парфюмерия ва косметика воситалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарлари олиб киришни тақомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2013 йил 13 майдаги 127-сонли қарорига мувофиқ давлат тилида марказлаштириш шарт бўлган истеъмол товарлари рўйхатига киритилган.

Шунингдек, бу турдаги товарлар Вазирлар Маҳкамасининг “Сертификатлаштириш тартибларини ва сифат менежменти тизимларини жорий этишни тақомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2011 йил 28 апрелдаги 122-сон қарорига биноан мажбурий тартибда сертификатланадиган маҳсулот турлари рўйхатига ҳам киритилган.

Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси фуқаролардан божхона қонунчилиги бузилишига доир ҳолатлар ёки божхона ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари юзасидан 120-76-76 ишонч телефонига қўнғирқ қилишлари мумкинлигини эслатиб ўтади. Мурожаатларнинг анонимлиги кафолатланади.

Тошкент шаҳар  
Божхона бошқармасининг  
Ахборот хизмати

## “101”

ЁНҒИНЛАРНИНГ  
ОЛДИНИ ОЛАЙЛИК

**Табий офатлар орасида ёнғинлардан кўриладиган фожиалар оқибатлари низоҳатда оғир кечади. Ачинарлиси шундаки, ўт балосига кўп ҳолларда фуқароларнинг ўзлари сабабчи бўлишади. Ёнғин ҳам оёқ остидаги фалокатки, эҳтиётсизлик жабрини тортиш унга йўл қўйганлар зиммасига оғир айриликларни солади.**

Ёнғинни “тилсиз ёв” деб беҳуда таърифлашмаган, чунки у фавқулодда одам ҳаёти, мол-мулкига таъовуз қиладиган офатлар ичида энг каттасидир. Лоқайдлик, эътиборсизлик оқибатида рўй берган кўнгилсиз воқеаларнинг гувоҳи бўлишимизга тўғри келяпти. Таҳлилларга кўра, бу бахтсиз ҳодисаларга оловга эҳтиётсизлик билан муносабатда бўлиш, носоз қўлбола электр мосламаларидан фойдаланиш, ёш болаларнинг олов билан ўйнаши, носоз газ мосламаларини ишлатиш, хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик ҳолатлари асосий сабаб бўляпти.

Дарҳақиқат, фарзандларимиз тарбияси, уларга ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ўргатишга эринмаслик даркор. Уларнинг соғлом, бақувват бўлиб ўсишлари бизнинг қўлимизда. Озгина эътиборсизлик қилиб, юз минг оҳ-воҳ чеккандан кўра бутун унга қарши биргаликда кураш олиб борганимиз маъқул. Хусусан, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ҳамжihatлик билан меҳнаткаш халқимиз ҳаёти, мол-мулкни ёнғинлардан асраб, ўз хизмат бурчларини сидқидилдан адо этишмоқда. Буни ёнғинлар сони йилдан йилга камайиб бораётганидан ҳам кўриш мумкин. Ҳар йили ёнғин хавфсизлиги ойлигини ўтказиш ҳам юзага келиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олишга, огоҳлик ва ҳушёрлиқни оширишга қаратилган. Айрим фуқаролар эътиборсизликлари ва масъулиятсизликлари ёки табий газдан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмасликлари оқибатида турли кўнгилсизликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқдалар. Ваҳоланки, ҳар бир фуқаро қундалик турмушда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилса, турли кўнгилсизликларнинг олди олинган бўларди. Ёнғин хавфсизлиги ходимларининг мақсад мудаоси ҳам айнан шудир.

Ёнғин хавфсизлиги бўлими яна бир бор эслатиб ўтади, ёнғинни ўчиришдан кўра, унинг олдини олиш осон.

Мурод ТУРСУНОВ,  
ЁХБ 12-ХЕХО 24-ХЕХ кичик инспектори,  
кичик сержант

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЯККА ТАРТИБДА УЙ-ЖОЙ  
ҚУРИШ УЧУН ЕР ОЛУВЧИЛАР  
ДИҚҚАТИГА!

Фуқаролар ўзининг шахсий мулкида бўлган кўп қаватли уйларидаги хонадонларини туман ҳокимликлари ихтиёрига топшириш эвазига Тошкент шаҳрининг Сергели тумани, Кўйлик-5 даҳасида, Юнусобод туманидаги Ҳасанбой (мўлжал: “Ёшлик” спорт мактаби ҳудудидан ва 5-даҳадаги иссиқхона ҳудудидан) даҳасида ҳамда Тошкент вилояти, Зангиота тумани, (мўлжал: Ҳасанбой-5 даҳаси қаршисидаги ҳудуддан, Сергели туманидаги машина бозори рўпарасидан) якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари олишлари мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 239-35-06, (+99894) 688-88-77, (+99890) 357-95-96

## ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони тадбиркорликнинг янада ривожланишига ҳисса қўшувчи муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлди.

Шу муносабат билан жорий йилнинг 8 октябрь кuni соат 15:00да Яшнобод туманида жойлашган Мудрофаа вазирлигига қаршли Маънавият ва Маърифат марказида (собиқ Авиасозлар маданият саройида) тегишли вазирликлар, Тошкент шаҳар ва туманлар ҳокимликлари раҳбарлари иштирокида кенгайтирилган учрашув ташкил этилади. Учрашув давомида “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш” масаласи бўйича тадбиркорлар тадбиркорлигининг ривожланишига тўсқинлик қилаётган масалалар ва тадбиркорлар бугунги кунда дуч келаётган муаммолар юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олишлари мумкин. Ушбу кенгайтирилган учрашувга туманимиздаги барча тадбиркорларни таклиф этамиз.

Яшнобод туман ҳокимлиги

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ ЖИСМОНИЙ  
ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 272 ва 287-моддаларига асосан эғалигида солиқ солинадиган мол-мулк ва ер участкалари бўлган жисмоний шахслар ҳамда деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари тўловчилари ҳисобланади.

Солиқ даври учун жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк ва ер солиқларини тўлаш муддати ҳисобот йилининг 15 октябрга қадар этиб белгиланган.

Ўз вақтида тўланмаган солиқ суммасига ҳар бир кечиктирилган кун учун қонунчиликда белгиланган тартибда пеня ҳисобланиб, қарздорлик Суд тартибиде мажбурий ундирувга қаратилади.

Шундай экан мол-мулк ва ер солиқларини 15 октябрдан кечиктирмай тўлашни унутманг!

Шайхонтоҳур тумани ТСРҲИ томонидан 17.03.2015 йилда №008171-09 рақам билан рўйхатдан ўтган, Шайхонтоҳур тумани А.Қодирий кўчаси 7а-ўйда жойлашган “REAL RENT ESTATE” МЧЖ (ИНН 303263042) 30.09.2015 йилдаги №3 мажлис баёнига асосан тугатилди. Эътирозлар эълон нашр қилинган кундан бошлаб икки ой давомида Шайхонтоҳур тумани А.Қодирий кўчаси, 7а-уй манзили бўйича қабул қилинади.

## “ТОШКЕНТ ОҚШОМИ” ВА “ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ”

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кuni соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

МЧЖ “РТПФ-Тижорат” УУХБ жамоаси “Сервис Тор” РСИК раҳбари Акмал Анварович Турсуновнинг онаси

ДИЛДОРАХОН АЯНИНГ

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур ҳамдардлик билдиради.

|  |                                                                                                                                                   |                                                                                                                     |
|--|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|  | <b>ЎЗГИДРОМЕТ</b><br>ХАБАР ҚИЛАДИ                                                                                                                 | 16, кундузи — 30-32 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотиюа кўра, 7 октябрь ва 8 октябрь |
|  | Тошкент шаҳрида 7 октябрь кuni ҳаво ўзағирб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эса-ди. Ҳарорат кечаси — 14- |                                                                                                                     |

**Тошкент ОҚШОМИ**

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

## ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамитига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терлиди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР  
ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил:  
gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 1055

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума кунлари чиқади  
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.  
6295 нусхада босилди.  
Қўғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул  
Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.40

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмаҳонаси. Корхона  
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир  
Акмал АҚРОМОВ